O‘zbekiston Respublikasi
Qashqadaryo viloyati xalq
deputatlari Chiroqchi tumani
Kengashining
Q A R O R I

Р Е Ш Е Н И Е
Чиракчинского районного
Кенгаша народных депутатов
Кашкадарьинской области
Республики Узбекистан

2019 йил 18 декабрь **V/56-1** **Чироқчи тумани**

2020 йил учун Қашқадарё вилояти Чироқчи туманининг маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунининг (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) 18-моддасига асосан 2020 йил учун Қашқадарё вилояти Чироқчи туманининг маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича халқ депутатлари Чироқчи туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ

Чироқчи тумани маҳаллий бюджети тартибга солувчи бюджетлараро трансферт 57 989 538 минг.сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

а) Қуйидаги солиқ турлари шаҳар ва туманлар бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

- жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;
- жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;
- жисмоний шахсларнинг мулкларни ижарага беришидан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;
- қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, бундан цемент хом ашёси ва цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош мустасно;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқдан мустасно.

б) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоятнинг вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланади:

ASLIGA TO'G'RI

- юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

- юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

- якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилишдан акциз солиғи;

- айрим товарларни чакана савдосидан бериладиган ҳуқуқ учун йиғимлар;

- қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари);

- автотранспорт воситаларини харид қилганлик учун уларни ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғимлар.

в) Вилоятнинг вилоят бюджетига қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиғича ўтказилади:

- электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

- айланмадан солиқ;

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат божлари (патент божи ва лицензия берганлик учун давлат божларидан ташқари);

- қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулк, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг активлари бўйича ажратмалар ва дивидендлар;

- қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат активларини ижарага бериш ва хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар.

г) Мобиль алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра туман ва шаҳар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

Агар қонун ҳужжатларида маҳаллий бюджетга тушадиган даромадларнинг тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса, бу турдаги даромадлар вилоятнинг вилоят бюджетига ўтказилади.

4. Қонуннинг 21-моддасига асосан, Чирокчи туман маҳаллий бюджетининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланди:

а) умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари Ўзбекистон

ASLIGA TO'G'RI

Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги орқали (ушбу муассасаларнинг тўртинчи гуруҳ харажатлари туман бюджети ҳисобидан амалга оширилади);

б) туман бюджетидан:

- фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари орқали тайинланадиган ижтимоий нафақалар;

- давлат санитария-эпидемиология назорати туман ва шаҳар марказларини сақлаш харажатлари молиялаштирилади.

5. 2020 йил учун Туман бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

6. Туман бюджетидан 2020 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. 2020 йил учун Туман бюджети захира жамғармаси ҳажми 3 007 761 минг сўм миқдорида белгилансин.

Туман ҳокимлиги захира жамғармаси маблағларини Туманлар бюджетида кўзда тутилмаган,кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий бекарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

9. 2020 йил учун айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорилари йиллик иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлов миқдорларидан вилоят бюджетидан ажратилган трансфертнинг 50 фоизи айирилгандан қолган маблағнинг 2 фоизи миқдорида белгилаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасида назарда тутилаётганлигини инобатга олиб туман бюджети 2020 йил учун айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 1123516,0 минг сўмга белгилансин.

10. Туман ҳокимлиги, Туман молия бўлими:

- ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар томонидан тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини назоратга олсин;

- ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет

ташкилотлари кесимида молиявий ҳисоботларни ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

- маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадларини 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни таъминласин, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

11. Туман ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Вилоят ҳокимиятига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритсин.

12. Туман ҳокимлиги Қонуннинг 24-моддасига асосан тегишли равишда ҳудудий бюджет маблағлари таксимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини Кенгашга киритилишини таъминласин.

13. Туман ҳокимлиги бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун Туман Кенгашига доимий равишда маълумот киритиб борсин.

14. Бюджетдан маблағ олувчи муассаса ва ташкилотлар тизим ташкилотлари учун бюджетдан ажратиладиган маблағларни амалдаги қонунчилик талаблари асосида мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш;

тизим бўйича ҳар бир бюджет ташкилотлари раҳбар ходимларини мазкур масалада шахсий масъулияти ва жавобгарликларини белгилаш;

бюджет маблағларини ноқонуний сарфлаш ҳамда ўғирлик ва камомадларини олдини олиш борасида доимий тушунтириш ишларини олиб бориш юзасидан тизимли ишлар ташкил этиш вазифалари топширилсин.

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳаки ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин.

ASLIGA TO'G'RI

15. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

16.Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари Туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари
Чирокчи туман Кенгаши раиси Х.Джураев

ASLIGA TO'G'RI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ЧИРОҚЧИ ТУМАНИ
"ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ" ЧИРОҚЧИ ТУМАНИ КЕНГАШИ

Халқ депутатлари
Чирокчи туман Кенгашининг
2019 йил "17" декабр даги
1/36-1 -сонли қарорига

Чирокчи туман маҳаллий бюджетининг 2020 йилги асосий даромад кўрсаткичлари

минг.сўм

№	Даромад тури	Жами
	Жами даромадлар	**145 535 608**
I.	**Рағбатлантирувчи (Стимулирующие) даромад**	**51 830 872**
	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	*51 830 872*
	ажратма меёри	*100*
1.	маҳаллий бюджетга	51 830 872
II.	**Бириктирилган даромадлар**	**61 418 736**
	Туман ва шаҳарларга бириктирилган	**29 060 110**
1	Ягона солиқ тўлови	9 591 597
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД)	1 655 762
3	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	8 724 924
4	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ норуда	1 730 170
5	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	7 257 657
6	Ижара тўловлари	100 000
	Вилоят ва туман (шаҳар)лар бюджетлари ўртасида тақсимланадиган даромадлар	**32 358 626**
1	Бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ (АЗС)	21 579 159
	ажратма меёри	*100*
	маҳаллий бюджетга	21 579 159
2	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	2 508 164
	ажратма меёри	*100*
	маҳаллий бюджетга	2 508 164
3	Юридик шахслар ер солиғи	4 027 292
	ажратма меёри	*100*
	маҳаллий бюджетга	4 027 292
4	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	156 223
	ажратма меёри	*100*
	маҳаллий бюджетга	156 223
5	Йиғимлар	4 087 788
	ажратма меёри	*100*
	маҳаллий бюджетга	4 087 788
III.	**Тақсимланувчи даромадлар (формула бўйича)**	**32 286 000**
	Аҳоли сони (минг киши)	*399 994*
15.	Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)	20 726 000
16.	Мобил алоқага акциз солиғи	11 560 000
	ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР	**203 525 146**
	ТРАНСФЕРТЛАР	**57 989 538**

ASLIGA TO'G'RI

Халқ депутатлари
Чирокчи туман Кенгашининг
2019 йил "12" декабрь даги
46/6 -сонли қарорига

Чироқчи туман маҳаллий бюджетининг 2020 йилги асосий харажат кўрсаткичлари

минг сўмда

	Кўрсаткичлар	Жами
	ХАРАЖАТЛАР-ЖАМИ	**203 525 146**
1.	**ИЖТИМОИЙ СОҲА ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ХАРАЖАТЛАР - ЖАМИ**	**169 223 556**
	шу жумладан:	
1.1	Маориф	15 771 206
	- мактабгача таълим	4 115 325
	- умумий таълим	11 655 881
	- кадрлар тайёрлаш	-
1.2	Соғлиқни сақлаш	75 297 460
1.3	Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари	3 974 976
	- маданият ва оммавий ахборот воситалари	929 488
	- спорт	3 045 488
1.4	Фан	-
1.5	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар	74 105 758
1.14	Ижтимоий кўникма марказлари	74 156
2.	**ИҚТИСОДИЁТГА ХАРАЖАТЛАР**	**18 893 814**
	шу жумладан:	
2.1	Фермерлар хўжаликлари бухгалтерия марказлари	2 457 008
2.2	Ўсимликлар карантини инспекциялари харажатлари	-
2.3	Ободонлаштириш	13 609 143
	Шундан: - Қайнарсой ва Дўрмон қароргоҳлари "Сувоқава" и/ч бошқармалари	
	- Қайнарсой ва Дўрмон қароргоҳлари "Иссиқлик манбаи" и/ч бошқармалари	
2.4	Дренаж ишлари билан боғлиқ харажатлар	175 190
2.10	Сув хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	1 400 900
2.11	Ўрмон хўжалиги ташкилотлари	-
2.12	Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бошқармалари	-
2.15	Ветеринария қўмитаси	1 251 573
3.	**МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ХАРАЖАТЛАР**	-
4.	**ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИ САҚЛАШ**	**4 298 388**
	шу жумладан:	
4.1	Давлат ҳокимият органлари	
4.2	Давлат бошқарув идоралари	4 298 388
5.	**ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИ САҚЛАШ**	**8 101 627**
6.	**ЗАҲИРА ЖАМҒАРМАСИ**	**3 007 761**
7.	**БОШҚА ХАРАЖАТЛАР**	-
	ЖАМИ ДАРОМАДЛАР	**145 535 608**
	ТРАНСФЕРТ	**57 989 538**

Халқ депутатлари
Чирокчи тумани Кенгашининг
2019 йил «14» декабрдаги
V-51/1-сонли қарорига

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Ягона солиқ тўлови	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Акциз солиғи: - бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Норуда қурилиш материаллари учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиқ	Йиғимлар	Ижара тўлови
1	Чирокчи тумани	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100

Халқ депутатлари
Чирокчи тумани Кенгашининг
2019 йил «17» декабрь даги
V-167-1-сонли қарорига

Чирокчи туман махаллий бюджетининг 2020 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми

(минг сўм)

Ҳудуд номи	Даромад	Харажат
Чирокчи тумани	145 535 608,0	203 525 146,0

Халқ депутатлари
Чирокчи туман Кенгашининг
2019 йил «17» декабрь даги
VI-376-1-сонли карорига

Чирокчи туман маҳаллий бюджетининг 2020 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

Шаҳар ва туманлар	**Тартибга солувчи трансферт миқдори**
Чирокчи тумани	57 989 538,0

Халқ депутатлари
Чироқчи тумани Кенгашининг
2019 йил «17» декабрь даги
V/57-1-сонли қарорига

Чироқчи туман маҳаллий бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг сўмда

Т/р	Ҳудуд номи	Миқдор
1	Чироқчи тумани	**1 123 516,0**